

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ҚОРАҚОЛПОҚ  
ИЖТИМОЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ - ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.  
Tar.01.04. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХУШВАҚТОВ ҲУСАН ОЧИЛБОЙЕВИЧ**

**МИРЗАЧЎЛНИ ЎЗЛАШТИРИШ УЧУН АҲОЛИ КЎЧИРИЛИШИ  
ВА УЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ  
АҲВОЛИ (1946 – 1970 йй.)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
историческим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on  
History Sciences**

**Хушвақтов Хусан Очилбойевич**

Мирзачўлни ўзлаштириш учун аҳоли кўчирилиши ва уларнинг  
ижтимоий-иқтисодий аҳволи (1946-1970 йй).....3

**Хушвақтов Хусан Очилбаевич**

Переселение населения в Мирзачуль с целью освоения и его  
социально-экономическое положение (1946-1970 гг.).....25

**Khushvaktov Husan Ochilboevich**

Is the relocation of people to open Mirzachul and their social and economic  
condition (from 1946 to 1970).....47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....51

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ҚОРАҚОЛПОҚ  
ИЖТИМОЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ - ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.  
Tar.01.04. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХУШВАҚТОВ ҲУСАН ОЧИЛБОЙЕВИЧ**

**МИРЗАЧЎЛНИ ЎЗЛАШТИРИШ УЧУН АҲОЛИ КЎЧИРИЛИШИ  
ВА УЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ  
АҲВОЛИ (1946 – 1970 йй.)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3. PhD/Tar162 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://ik-tarix.nuu.uz>) ва “ZiyoNET” ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Мусаев Нуриддин Умурзоқович**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ишанходжаева Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Комилов Ойбек Камилович**  
тарих фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Қорақолпоқ давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи 27.06.2017. Таг.01.04. рақамли Илмий Кенгашнинг 2019 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, Ўзбекистон Миллий университетининг Тарих факультети, 1-қават, 110-аудитория). Тел: (99871)227-12-24; факс: (99871)246-02-24; e-mail: [наука@nuu.uz](mailto:наука@nuu.uz) \_Ўзбекистон Миллий университети).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил:100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино).Тел(99871)236-46-55, факс: (99871)246-02-04).

Диссертация автореферати 2019 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_куни тарқатилди.  
(2019 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси)

**А.А.Маврулов,**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Д.Ж.Ураков,**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби, т.ф.н., доц

**Г.А.Агзамова,**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, т.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳонда содир бўлаётган глобаллашув жараёнларининг иқлим ўзгаришлари ва экологик вазиятга, шунингдек, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига таъсири тобора кучайиб бормоқда. Шу билан бир қаторда, аҳоли сонининг мунтазам кўпайиб бориши тоза ичимлик суви ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни ошириб, халқаро миқёсда аҳоли миграциясининг кучайишига ҳам сабаб бўлмоқда. Бу жараёнлар дунёнинг қатор мамлакатларида аграр соҳа тармоқларини интенсив ривожлантириш, озиқ-овқат танқислигига барҳам бериш, экологик хавфсизликни таъминлашни долзарб вазифалардан бирига айлантди.

Ҳозирги пайтда дунёнинг кўплаб йирик илмий тадқиқот марказлари ва олий ўқув юртларида XX асрда янги ерларни ўзлаштириш масалаларига доир тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, 1950 йилларда собиқ иттифоқ ҳукуматининг маъмурий буйруқбозликка асосланган бошқарув тизими даврида жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун синовдан ўтган мақбул объектив қонуниятлар инобатга олинмасдан амалга оширилган аҳолини кўчириш ҳаракатининг сабаблари, зарурияти ва оқибатларини ўрганишга эътибор кучайди. Айниқса, Ўзбекистонда пахта майдонларини кенгайтириш мақсадида Мирзачўл ҳудудларини ўзлаштириш учун вилоятлардан аҳолини кўчириш ҳаракати жараёнида амалга оширилган чора-тадбирлар моҳиятини аниқлаш, янги ўзлаштирилган ерларда бунёд этилган шаҳар ва посёлкаларда чўлнинг мураккаб иқлим шароити ва маҳаллий аҳоли менталитети ҳисобга олинмасдан қурилган турар жойлар талаб даражасида бўлмагани, кадрлар қўнимсизлиги каби қийинчиликларни тадқиқ ва таҳлил қилиш мавзунини ўрганишнинг заруриятини янада оширади.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ аграр соҳа тармоқларини ривожлантиришга, жумладан, ердан самарали фойдаланиш, ирригация ва мелиорация тизимини такомиллаштириш, экин майдонларини тежамкорлик билан томчилатиб суғоришга алоҳида эътибор берилмоқда. “Мамлакатимизда суғориладиган ерлар, атиги 3 миллион 300 минг гектар бўлиб, уни кўпайтиришнинг ҳеч иложи йўқ. Чунки бизда сув ресурслари чекланган. Аҳолимиз эса йилдан йилга кўпайиб бормоқда”<sup>1</sup>. Шунинг билан бир қаторда, Мирзачўлда яшаб келаётган аҳолининг турмуш шароитини яхшилашга доир улкан ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги пайтда “Обод қишлоқ” дастури асосида қуриладиган уй-жойларни советлар даврида қурилган турар жойлар билан қиёсий таққослаш яқин ўтмишда халқимиз бошидан кечирган ижтимоий-иқтисодий қийинчиликларни ўрганишга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда қабул қилинган ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада

---

<sup>1</sup>Мирзиёев Ш. Ризқ-рўзимиз бунёдкори бўлган қишлоқ хўжалиги ходимлари меҳнатини улуглаш, соҳа ривожини янги босқичга кўтариш – асосий вазифамиздир // Халқ сўзи, 2017 йил 10 декабрь.

ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 21 апрелда қабул қилинган ПФ-5024-сонли “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги, 2017 йил 4 августдаги ПФ-5134-сонли “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари ва “Обод қишлоқ” давлат дастури ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Аҳоли миграцияси муайян ишлаб чиқариш усули ва муносабатларининг маҳсули сифатида икки шаклда: ички ва ташқи миграция шаклида содир бўлиб, бу жараён тарих, социология, демография, иқтисодий география, этнография сингари кўплаб фанларнинг тадқиқот мавзуси бўлиб келган. Мирзачўлни ўзлаштириш мақсадида бу ерга аҳолини кўчириш ҳаракати тарихини ўрганиш бўйича шу вақтга қадар олиб борилган илмий тадқиқот ишлари ва яратилган адабиётларнинг мазмуни, мақсад ва вазифалари, йўналиши ва яратилган даврларига қараб, уларни қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ, деб топилди: 1) Россия империяси ва советлар ҳукмронлиги даврида олиб борилган илмий тадқиқотлар, чоп этилган адабиётлар, архив ҳужжатлари ва матбуот материаллари; 2) мустақиллик йилларида нашр этилган адабиётлар, архив ҳужжатлари, рисолалар, матбуот органлари материаллари, илмий тадқиқот ишлари, хотиралар ва дала маълумотлари; 3) хорижий адабиётлар.

Россия империясининг Туркистонда олиб борган мустамлакачилик сиёсати даврида яратилган адабиётларда<sup>2</sup> ўлкада пахтачиликни ривожлантириш, янги ерларни ўзлаштириш мақсадида аҳолини кўчириш масаласига алоҳида эътибор берилган. Жумладан, В.Вошинин, С.И.Гулишамбаров, А.В.Кривошеин, В.И.Масальский, К.К.Пален, И.Слуцкий, М.П.Федоров, В.И.Юферов, С.Р.Конопка, А.И.Добросмыслов каби тадқиқотчилар ўз асарларида Туркистонда аграр муносабатлар,

---

<sup>2</sup>Вошинин В. Очерки нового Туркистана, свет и тени русской колонизации. – Ташкент, 1914. – 86 с.; Гулишамбаров С.И. Экономической обзор Туркестанского района. Ч. I-III. – Асхабад, 1913. – 183 с.; Кривошеин А.В. Записка главного управляющего землеустройством и земледелием о поездке в Туркестанский край в 1912 г. //Приложение о поездке к всеподданнейшему докладу. – СПб., 1912. – 88 с.; Масальский В.И. Хлопковое дело в Средней Азии. – СПб., 1892. – 166 с.; Ўша муаллиф. Хлопководство, орошение государственных земель и частная предприимчивость. – СПб., 1910. – 44 с.; Пален К.К. Поземельно-податное дело. – СПб., 1910. – 186 с.; Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. Исторический очерк. Вып. 4, – Ташкент, 1912. – 433 с.; Слуцкий И. Хлопковая торговля в Туркестане к 1907 г. // Туркестанский сборник. – Ташкент, 1908, – 129-142 с.; Федоров М.П. Хлопководство в Средней Азии. – СПб., 1898, – 282 с.; Туркестанский край. (Составитель С.Р. Конопка. Под редакцией Г.М.Цвилинг). – Ташкент. 1913. – 264 с.; Юферов В.И. Труд в хлопковых хозяйствах Туркестана. – СПб., 1914. – 60 с.

урбанизация жараёни, Россиянинг марказий районларидан ўлкага “ортиқча” аҳолини кўчириш масалалари устида тадқиқотлар олиб боришган.

Советлар ҳукмронлигининг дастлабки йилларидан бошлаб Ўзбекистон халқ хўжалиги, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий турмуш шароити, миграцион жараёнлар, Мирзачўлда кўриқ ва бўз ерларнинг ўзлаштирилишига бағишланган монография ва рисоалар чоп этилган бўлиб, улар қаторига А.П.Демидов, К.В.Космачевский, С.В.Понятовский, И.Г.Александров, Н.И.Платунов, А.И.Волков ва И.В.Павловлар, А.А. Твердов ва бошқаларнинг тадқиқотларини киритиш мумкин<sup>3</sup>.

1950 йиллардан Мирзачўлни ўзлаштириш жараёнида амалга оширилган ишларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатларини мафкуравий нуқтаи назардан ёритишга жиддий эътибор берилди. Бу борада О.Б.Жамолов, Р.Эгамбердиев, А.Абдунабиев, С.Г.Бородай, Г.Ризаев, И.Ю.Исҳоқов, Б.Аверченко, Й.Муқимов, П.Ковалев, Н.А.Аберкулов, А.М.Мамедов, С.Анорбоев, О.Комилов, А.Неразин, Э.Ходжиев, Н.Хусанов, Н.Нормухаммедов, Ғ.Эшчонов, А.Қорабоевлар тадқиқотлар олиб боришган. Бироқ, бу муаллифларнинг асарларида Мирзачўлга аҳолининг кўчирилиши масалалари алоҳида ёритилмаган<sup>4</sup>.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгандан кейин тарихий ҳақиқатни рўёбга чиқариш, турли соҳаларда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисаларни объектив баҳолашга бағишланган қатор илмий тадқиқот ишлари яратилди<sup>5</sup>.

---

<sup>3</sup>Демидов А.П. Экономические очерки хлопководства, хлопковой торговли и промышленности в Туркистане. Библиотека хлопкового дела. Кн. 3, изд. 2. – М., 1926. – 248 с.; Понятовский С.В. Дренажное в Голодной степи //Народное хозяйство Туркистана., 1920. № 2-3.; Александров И.Г. Регулирование стока реки Сирдарьи и перспективы орошения её в бассейне . – М.: Новая деревня, 1923. – 82 с.; Космачевский К.В. Организация хлопководческих хозяйств на орошаемых землях Туркистана. – М., 1922. – 126 с.; Платунов Н.И. Переселенческая политика Советского государства и её осуществление в СССР. – Томск: Томский университет, 1976. – 283 с.; Волков А.И., Павлов И.В. Правовое регулирование сельскохозяйственного переселения в СССР. – М.: Гос. изд. юрид. лит., 1961. – 148 с.; Твердов А.А. Льготы для переселенцев. – М.: Гос. изд. юрид. лит., 1961. – 38 с.

<sup>4</sup> Джамалов О.Б. Социально-экономические предпосылки сплошной коллективизации сельского хозяйства в Узбекистане. – Ташкент: Госиздат, 1950. – 97 с.; Абдунабиев А. Мирзачўлни ўзлаштириш тарихидан. – Тошкент, 1959. – 38 б.; Бородай С.Г. Мирзачўл ерларини ўзлаштиришда колхоз ва совхозларнинг тажрибалари. – Тошкент, 1957. – 48 б.; Ризаев Г. Социалистическое сельское хозяйство Узбекистана. – Ташкент, 1978. – 270 с.; Исхаков И.Ю. Развитие хлопководства в Узбекистане. – Ташкент: Госиздат УзССР. 1960. – 288 с.; Игамбердиев Р. Осуществление ленинских идей об освоении Голодной степи. – Ташкент: Фан, 1969. – 65 с.; Аверченко Б., Муқимов Й., Ковалев П. Мирзачўл қиссаси. – Тошкент: Ўздавнашр, 1963. – 341 б.; Аберкулов Н.А. Деятельность Компартии Узбекистана по развитию хлопководства. – Ташкент, 1974. – 133 с.; Мамедов А.М. Развитие ирригации в Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1967. – 299 с.; Анорбоев С. Жиззах воҳасининг суғорилиши тарихи. – Тошкент, 1970. – 104 б.; Комилов О. Джизакская степь как объект освоения. – Ташкент, 1976. – 86 с.; Неразин А. Мирзачўлнинг кўриқ ва бўз ерларини ўзлаштириш тажрибалари. – Тошкент: Ўздавнашр, 1972. – 48 б.; Ходжиев Э. История орошения и освоения голодной степи (1917-1980 гг.). Автореф. дисс. на соиск. уч. степ. докт. ист. наук. – Ташкент, 1982. – 43 с.; Хусанов Н. Ўзбекистон комсомоли янги ерларни ўзлаштиришнинг ташаббускори. – Тошкент, 1989. 24 – б.; Нормухаммедов Н., Эшчонов Ғ., Қорабоев А. Кўриқ ерларни ўзлаштириш ва ҳосилдорликни ошириш-Ўзбекистонда пахта етиштиришнинг асосий омили. – Тошкент, 1974. – 21 б.

<sup>5</sup> Аминова Р.Х. Совхозы Узбекистана в 1966 – 1985 годы: опыт, уроки, проблемы, – Ташкент: Фан, 1994. – 473 с.; Раззоков А., Ўзбекистон пахтачилиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – 300 б.; Зиёев Х. Ўзбекистонда пахта якҳоқимлиги учун кураш ва унинг оқибатлари (XIX – асрнинг охир XX аср бошлари). – Тошкент: Шарк, 2006. – 352 б.; Ата-Мирзаев О, Гентшке В, Муртазаева Р. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. – Ташкент: Янги аср авлоди, 2011. – 251 с.; Мусаев Н.У. Ўрта Осиёда деҳқончилик маданияти ва аграр муносабатлар тарихидан. – Тошкент, Фан, 2005. – 235 б.; Ўша муаллиф. XIX асрнинг II ярми - XX аср бошларида Туркистонда саноат ишлаб чиқаришининг

Бундай тадқиқотлар сирасига Р.Ҳ.Аминова, Ҳ.З.Зиёев, А.Раззоқов, О.Ата-Мирзаев, В.Р.Гентшке, Р.Ҳ.Муртазаева, Н.У.Мусаев, С.Н.Турсунов, Д.Бобожонова, Н.Обломуродов, Т.Р.Пардаев, Ш.Ғаффоров, А.Ш.Каримов, З.Аширбоева, С.Бўриев, Б.Ботирова, Н.Мирзаева, О.К.Комилов ва бошқаларнинг ишларини киритиш мумкин.

Хорижий мамлакатларда мавзуга оид чоп этилган адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, мазкур адабиётларнинг муаллифлари ўрганилаётган мавзуга эркин ва холисона ёндашишга ҳаракат қилишган. Масалан, И.Кан, М.Миллер, Э.Оллворт, Р.Дупонт, С.Акинёр, А.Борн асарларида советлар даврида Ўзбекистонда пахта яккаҳоқимлигининг кучайтирилиши ҳисобига бошқа қишлоқ хўжалиги экинларининг кескин камайиши оқибатида аҳолининг турмуш шароити оғирлашиб борганлиги, меҳнаткаш аҳолининг арзон ишчи кучидан турли усуллар ёрдамида ихтиёрий-мажбурий фойдаланиш, инсон ҳуқуқларининг поймол қилиниши жараёнлари таҳлил қилинган<sup>6</sup>. Бу тадқиқотлар бизнинг ўз олдимизга қўйган баъзи масалаларни ечишга ва керакли хулосалар чиқаришга ёрдам беради.

Мавзуга оид манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, Мирзачўлни ўзлаштириш учун аҳоли кўчирилиши (1946 – 1970 йй.) ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи алоҳида тадқиқот мавзуси сифатида ўрганилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Тошкент давлат аграр университетининг “XIX асрнинг 2- ярми – XX асрда Ўзбекистонда аграр муносабатлар” мавзусидаги илмий тадқиқотлар режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Мирзачўл худудларида янги ерларни ўзлаштириш учун 1946 – 1970 йилларда вилоятлардан аҳоли кўчирилиши жараёнлари, кўчирилган аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, маънавий-

---

шаклланиши., – Тошкент: Иқтисод-Молия, 2008. – 165 б.; Турсунов С.Н. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантириш йўлидаги уринишлар (1946 – 1965 йй.): ниятлар ва натижалар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – 94 б.; Ўша муаллиф. Қишлоқ аҳолисини уй – жой ва маиший шароитларини яхшилаш. – Тошкент, 1994. – 48 б.; Пардаев Т. Химизация сельского хозяйства Узбекистана в 60 – е годы. Состояния и проблемы. – Ташкент: Узбекистан, 1996. – 162 с.; Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида /Ўзбекистоннинг янги тарихи/. Иккинчи китоб, – Тошкент: Шарқ, 2000. – 687 б.; Ғаффоров Ш. Тарих ва тақдир: Россия империясидан Туркистонга кўчирилганлар. – Тошкент: Фан, 2006. – 223 б.; Бобожонова Д. Ўзбекистонда демографик жараёнлар ва уларнинг хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1995. – 96 б.; Обломуродов Н. Аграрная политика в Узбекистане (1970 – 1990 гг.). – Ташкент: Узбекистан, 1993. – 125 с.; Каримов А.Ш. Социально-экономические аспекты переселения в новоорошаемые районы. Дисс. на соиск. уч. степ. канд. экон. наук. – Ташкент, 1994. – 154 с.; Бўриев С. XX асрда Сурхон – Шеробод воҳасининг суғорилиш тарихи. Тарих фан номзоди дисс... – Тошкент, 2008. – 177 б.; Аширбоева З.Қ. XIX охири- XX аср ўрталарида Мирзачўлнинг ўзлаштирилиши. Тарих фан номзоди дисс... автореферати – Тошкент, 2008. – 21 б.; Ботирова Б. Ўзбекистонда ўтказилган советларнинг аҳолини кўчириш сиёсати. Тарих. фан. номзоди дисс... – Тошкент, 2010. – 157 б.; Мирзаева Н. XIX аср охири-XX аср бошларида Мирзачўл воҳасидаги рус қишлоқлари ва уларнинг ижтимоий иқтисодий аҳволи. Тарих. фан. номзоди дисс... – Тошкент, 2011. – 160 б.; Комилов О.К. Ўзбекистонда ирригация тизими ривожланиши ва унинг оқибатлари (1951-2017 йй.). Тарих фан. докт. (DSc) дисс. автореферати. – Тошкент, 2017. – 61 б.

<sup>6</sup> Khan I.M. Muslims of Central Asia // Today. – 1965. - №3.-P.26; Miller M. Notes on Agricultural Development // Central Asian Review. 1968. – Vol. 16, No. 2. – P. 122; Alloworth E. Central Asia. A century of Russian rule. – New-York, 1967; Dupont R. Sovkhoze, kolkhoze ou le problematique communisme. – Paris, 1964; Akiner S. Central Asia: New are of crisis. RUSL. 1993; Born A. Uzbekistan: politics and foreign policy. Royal Institute of International Affairs. – London, 1998;



маърифий ҳаёти ҳамда бу ерда вужудга келган экологик муҳитни ўрганиш ва таҳлил қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

янги ерларни ўзлаштириш учун аҳолини кўчириш ҳаракатига анъанавий ва замонавий ёндашувларни ёритиш;

аҳолини кўчириш сиёсатининг ташкилий-назарий асосларини ўрганиш;  
кўчирилган аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, маданий-маърифий соҳаларда вужудга келган муаммоларни таҳлил қилиш;

янги ташкил этилган хўжаликларни малакали мутахассислар, механизатор-тракторчилар ва бошқа кадрлар билан таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар, уларнинг самарадорлиги даражасини ўрганиш;

кўчиб келган аҳолининг маънавий-маиший турмуш шароитида пайдо бўлган муаммоларни ёритиш;

Мирзачўлда кадрлар қўнимсизлиги сабаблари ва унинг оқибатларини кўрсатиш;

кўриқ ва бўз ерларда ирригация ва мелиорация ишларини шошма-шошарлик билан олиб борилгани оқибатида вужудга келган экологик муаммоларни таҳлил қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 1946 – 1970 йилларда Мирзачўлни ўзлаштириш учун вилоятлардан аҳоли кўчирилиши ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи белгилаб олинди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни Иккинчи жаҳон урушидан кейин совет ҳокимиятининг пахтачиликни ривожлантириш мақсадида Мирзачўлда янги ерларни ўзлаштириш учун вилоятлардан аҳолини кўчириш сиёсатини амалга ошириш жараёнлари, кўчиб келганларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, маданий-маиший турмуш шароити, кадрлар масаласи, ирригация ва мелиорация ишларининг ҳолати, вужудга кела бошлаган экологик муаммолар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида илмийлик, тарихийлик ва ҳаққонийлик тамойиллари, шунингдек, муаммовий-даврий ва қиёсий ёндашув усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

совет ҳокимиятининг янги ерларни ўзлаштириш мақсадида 1946 – 1970 йилларда Мирзачўлга аҳолини кўчириш сиёсатининг “ихтиёрий-мажбурий”лик хусусиятлари ёритилган;

аҳолини ташкилий равишда кўчиришнинг аниқ механизми ишлаб чиқилмаганлиги, зарур тайёргарликсиз шошма-шошарлик билан кўчирилган аҳолининг узоқ йиллар давомида уй-жой билан таъминланмагани, соғлиқни сақлаш ва маиший хизмат кўрсатиш соҳасида амалга оширилган ишлар талаб даражасида ташкил этилмаганлиги очиб берилган;

ҳукумат органлари томонидан кўчирилган аҳолини касбига қараб иш ва нафақа билан таъминлаш ишларини расмийлаштириш бир меъёрда олиб борилмагани, меҳнаткаш аҳолининг белгиланган имтиёзлардан етарли даражада фойдалана олмаганлиги сабаблари аниқланган;

кўчирилган аҳолининг кўнимсизлиги йиллар давомида юқори даражада бўлганлиги, ҳукуматнинг бу борада амалга оширган тадбирлари етарли самара бермаганлиги исботлаган;

Мирзачўлни ўзлаштириш ишларининг экстенсив характери, илмий асос ва тажрибага эга бўлмасдан олиб борилган ирригация ва мелиорация ишларининг экологик муҳитга таъсири кўрсатилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Ўзбекистонда янги ерларни ўзлаштиришнинг экстенсив характери Мирзачўлда амалга оширилган ишлар мисолида очиб берилган;

етарли даражада тайёргарлик ишлари кўрилмасдан кўчирилган аҳоли бошидан кечирган ижтимоий-иқтисодий ва маънавий қийинчиликлар, уларнинг изтироблари фактлар ва мисоллар асосида ёритилган;

Мирзачўлга кўчиб келган кишиларнинг авлодлари бу ҳудуд шароитига тўла мослашиб, уни ўз маконлари сифатида ривожлантиришга қўшган ҳиссалари дала материаллари асосида ўрганилган;

“Обод қишлоқ” дастурида белгиланган вазифалар асосида маҳаллий аҳоли менталитетига мос уй-жойлар қурилишининг ташкил этилиши, замонавий техника воситалари билан ишлашга қодир кадрлар тайёрлаш учун таълим ва амалиёт интеграциясини таъминлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқот ишида тарих фанида эътироф этилган усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, шунингдек кўплаб тарихий адабиётлар ва ижтимоий-гуманитар йўналишдаги бошқа тадқиқот ишлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, архив материаллари каби бирламчи манбаларга асосланганлиги, қонуний асосга эга бўлган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда тадқиқот жараёнида олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти совет ҳукмронлиги даврида Ўзбекистонда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш, маҳаллий аҳолининг кўчирилиши, уларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари билан боғлиқ масалаларни ўрганиш орқали Ўзбекистон тарихининг аграр соҳага оид аспектларини бойитишга ёрдам беради. Шунингдек, диссертация иши натижаларидан республика олий ўқув юртларининг қишлоқ хўжалиги йўналишларига махсус курслар бўйича ўқув дастурлари ва қўлланмалар, дарслик ва монографиялар яратишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** 1946 – 1970 йилларда Мирзачўлни ўзлаштириш учун аҳоли кўчирилиши ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволига доир ишлаб чиқилган илмий хулосалар ва таклифлар асосида:

Мирзачўлни ўзлаштиришни жадаллаштириш учун аҳолини кўчириш ҳаракатини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар, кўчирилган аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти юзасидан олинган илмий

натижалардан Жиззах вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи Шароф Рашидов филиали экспонатларини кенгайтириш ва янги материаллар билан бойитишда фойдаланилди. (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2018 йил 1 июндаги 01-11-08-3893-сон маълумотномаси). Бунда янги ерларни ўзлаштиришда халқимизнинг фидокорона меҳнати эвазига катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилганлиги музейга ташриф буюрувчиларда катта қизиқиш уйғотади;

Мирзачўлнинг ўзлаштирилиши, пахта экин майдонларининг кенгайтирилиши оқибатида ҳудудда экологик вазиятнинг ўзгариши, янги ўзлаштирилган ҳудудларга кўчирилган аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти тўғрисидаги илмий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат марказининг “Ўзбекистон Республикасида 2018 йилда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтаришга доир кўшимча чора-тадбирлар” Дастурининг X боби “Халқимизнинг тарихий мероси, урф-одатлари ва миллий тарбия анъаналарини асраб-авайлаш, кенг аҳоли қатламлари, айниқса, ёшларимиз ўртасида динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ўзаро меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш” қисмининг 67-бандида белгиланган “Бир оилада эзгу мақсадлар сари” шиори остидаги тарғиботни ташкил этиш вазифалари ижросини таъминлашда фойдаланилди (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2018 йил 24 июлдаги 01-09-895-18 - сон маълумотномаси). Унда Мирзачўлга кўчирилган турли миллат вакилларининг меҳнат жараёнида ўзаро яқинлашувлари, байналмилал оилалар курилиши шароитлари ёритилган;

Ўзбекистонда кўриқ ва бўз ерларнинг ўзлаштирилиши ва бу ҳудудларни ишчи кучи билан таъминлаш мақсадида вилоятлардан аҳолининг кўчирилиши ва кўчирилган аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маданий ҳаёти ҳақидаги илмий хулосалардан Н.У. Мусаев ва Ҳ.И. Азимовлар томонидан ҳаммуаллифликда “Ўзбекистон тарихи” фанидан ўқув қўлланмасини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 6 июндаги 89–03-2199- сон маълумотномаси). Мазкур қўлланма советлар даврида Ўзбекистонда мураккаблашиб борган аграр муносабатларни янги маълумотлар асосида ўрганишга ёрдам беради.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижасида олинган хулоса ва таклифлар 13 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро ва 11 республика миқёсидаги конференцияда синовдан ўтказилиб, маъқулланган. Булар қуйидагилар: “1946 – 1970 йилларда Ўзбекистонда аҳолини кўчириш сиёсати, сабаб ва оқибатлар” (Тошкент, 2011); “Кўриқ очиш тарихидан” (Тошкент, 2014); “Совет ҳукумати миллий сиёсатида диний тарғибот масалалари” (Тошкент, 2015); “Ўзбекистонда аҳолини кўчириш сиёсати, ютуқлар ва муаммолар” (Тошкент, 2011); “Қадимги суғориш тармоқларининг аҳоли турмуш шароити тараққиётида тутган ўрни” (Тошкент, 2014); “Agrarian politics of soviet’s in Uzbekistan and its

circumstances” (Пенза, 2018); “Ўзбекистонда миграцион жараёнлар тарихидан” (Тошкент, 2016); “Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мамлакатимиз тараққиётининг муҳим омили” (Тошкент, 2017); “Мустамлакачилик бошқарув тизимининг шаклланиши ва унинг оқибатлари” (Тошкент, 2017); “Мирзачўлга кўчирилган аҳолининг уй-жой муаммолари: сабаб ва оқибатлар” (Тошкент, 2017); “Ўзбекистонда янги саноат шаҳарларининг вужудга келиши, сабаб ва оқибатлар(1950-60 йиллар мисолида)” (Тошкент, 2018); “Биринчи Президент Ислом Каримовнинг аграр сиёсат ҳақида айрим мулоҳазалари” (Тошкент, 2018); “Развитие системы орошения в Мирзачуле: причины и результаты” (Переяслав-Хмельницкий, 2018).

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, (8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларида) эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 151 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқот ишининг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгилаб олинган. Диссертацияда тадқиқот ишининг фан ва технологиялар тараққиёти устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилигига асосланган ҳолда назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган ва тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Мирзачўлга аҳоли кўчирилиши ҳаракати, унинг назарий ва ташкилий асослари”** деб номланган I бобида Мирзачўлда янги ерларни ўзлаштириш учун аҳолини кўчириш сиёсати, бу сиёсатни амалга ошириш мақсадида ҳукумат ташкилотлари томонидан қабул қилинган қарорлар, ўтказилган тadbирлар ва бошқа ҳуқуқий меъёрларга асосан, шунингдек, турли мажбурий сабабларга кўра вилоятлардан муайян аҳоли ёки хўжаликларнинг кўчирилиши жараёнлари ёритилган.

Мирзачўлни ўзлаштириш, бу ерда пахтачилик плантацияларини вужудга келтириш ҳаракати Туркистонда Россия империяси ҳукмронлиги ўрнатилгандан кейинок бошланган эди. Бу ҳақда Туркистонда тафтиш ишларини олиб борган сенатор К.К.Пален империя манфаатларини кўзлаб қуйидаги фикрларни баён этган: “Бу ўлка Россияга кўшилган кунидан бошлаб, рус ҳукуматини икки томонлама: биринчидан, молиявий сиёсат нуқтаи назаридан давлатнинг даромад манбаи ва товарлар учун янги бозор

сифатида, иккинчидан, ортиқча аҳолини жойлаштириш учун янги вилоят сифатида қизиқтиради”<sup>7</sup>.

Дехқончилик ва ер тузилиши ишлари бошқармаси бошлиғи бўлган А.Кривошеин Мирзачўлда бир неча юз минг десятина ерни ўзлаштириш орқали бу ерларга “мустақкам рус элементларини” кўчириш ва уларга энг яхши ерларни ажратиб беришни тавсия қилган<sup>8</sup>.

Империя ҳукмронлиги даврида аҳоли кўчирилиши амалга ошириш учун махсус Кўчириш бошқармаси ҳам ташкил этилган. Бошқарма зиммасига Россиянинг марказий районларидан “ортиқча” аҳолини кўчириш, янги ўзлаштирилган ерларнинг суғориш тизимини йўлга қўйиш вазифаси юклатилган. Шу мақсадда 1899 йили Давлат кенгаши Мирзачўлда 65 километрлик канал қазиб учун 2025 минг сўм ажратган. Бироқ 1908 йилгача каналнинг бор йўғи 11 километрдан кўпроғи қазилган, холос<sup>9</sup>.

Туркистонда советлар ҳукмронлиги ўрнатилгандан кейин ҳам Мирзачўлни ўзлаштириш, бу ерга аҳолини кўчириш ҳаракати давом эттирилди. СССР МИК Президумининг 1925 йил 10 апрелда қабул қилган “СССР МИК қошида Бутуниттифоқ кўчириш комитетини ташкил этиш ҳақида”ги қарорининг 3-моддаси<sup>10</sup> ҳамда ЎзССР МИК ва ХКСнинг 1927 йил 21 февралда қабул қилган “ЎзССР ичкарасида аҳолини режали кўчиришларни амалга ошириш ҳақида”ги 33-сонли қарорининг 270-моддаси<sup>11</sup> асос қилиб олинди. Мазкур қарорларда Бутуниттифоқ кўчириш комитети зиммасига аҳолини кўчириш бўйича бошқарув ишларини ташкил этиш, бутуниттифоқ кўчириш фондини тузиш, бу тадбирларни молиялаштириш, аҳолини кўчириш режаларини амалга оширилиши устидан назорат қилиш юклатилди.

1920-30 йилларда Республиканинг ўша даврдаги партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари А.Икромов, Ф.Хўжаев, Й.Охунбобоевларнинг нутқ ва мақолаларида аҳоли зич яшаётган ҳудудлардан аҳолини кўчириш сиёсати кун тартибидаги долзарб масала сифатида турганлигига эътибор қаратилди<sup>12</sup>. Таъкидлаш жоизки, республиканинг айрим раҳбарлари (хусусан, Ф.Хўжаев, А.Икромов) аграр соҳани волюнтаристик усуллар билан ривожлантиришга қарши бўлишган. Бироқ уларнинг масалага объектив ёндашувга доир фикрлари инобатга олинмади.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Мирзачўлни ўзлаштиришнинг янги даври бошланди. СССР Халқ Комиссарлари Совети 1946 йил 2 февралда қабул қилган “Ўзбекистон ССРда пахтачиликни ривожлантириш чоратадбирлари ҳақида”ги қароридан кейин янги ўзлаштирилаётган ерларга

<sup>7</sup> Пален К.К. Материалы к характеристике народного хозяйства в Туркестане. Ч. I. – СПб., 1911. – 12 с.

<sup>8</sup> Кривошеин А.В. Записка главного управляющего землеустройством и земледелием о поездке в Туркестанский край в 1912 г. /Приложение о поездке к всеподданнейшему докладу/. – СПб., 1912. – 4 с.

<sup>9</sup> Шахназаров А.И. Сельское хозяйство в Туркестанском крае. – СПб., 1908. – 107 с.

<sup>10</sup> Собрание законов Союза СССР. 1925. №; 30. – 354 с.

<sup>11</sup> Собрание узаконений и распоряжений Правительства УзССР. –Ташкент, 1927. № 1-45. – 212-214 с.

<sup>12</sup> Икромов А. Пахта мустақиллиги учун кураш йили. – Тошкент: Ўздавнашр, 1932. – 42-б.; Ходжаев Ф. О важнейших задачах нашего строительства. –Ташкент: Госиздат УзССР, 1934. – 120 с.; Ахунбабаев Ю. Организационные задачи колхозов Узбекистана, - Ташкент: Сельхозгиз УзССР, 1940. – 43 с.

аҳолини кўчириш ҳаракати тезлаштирилди<sup>13</sup>. Шунингдек, КПСС МКнинг 1953 йил сентябрь пленумида “СССР қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар ҳақида”ги махсус қарори қабул қилиниб, унда 1954 йилдан пахта майдонларини 66800 гектарга, ҳосилдорликни эса 167900 тоннага етказиш белгиланди<sup>14</sup>.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетининг 1949 йил 15 апрелда қабул қилган “Мирзачўл ерларини янада ишга солиш тадбирлари тўғрисида”ги қарорида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда пахта ва бошқа экинлардан мўл ҳосил олиш белгилаб олинди. Бу тадбирларни амалга оширишда янги ташкил этилаётган хўжаликларни ишчи кучи ва малакали мутахассислар билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

1953 йил охирларидан КПСС МК биринчи котиби ва СССР Министрлар Совети раиси лавозимида ишлаган, объектив сиёсий ва иқтисодий қонуниятлар билан ҳисоблашмасдан волонтаристик сиёсат олиб борган Н.С.Хрушчев қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришни амалга ошириш масалалари бўйича қуйидаги йўриқларини баён этган: қўриқ ерларни ўзлаштириб оборотга киритиш катта иқтисодий фойда келтиради. Лекин ерни ҳайдаб экин экиш энг қийини эмас, бу ерда аҳоли сонини кўпайтириш керак, шундагина қўриқ ерларни ўзлаштириш мумкин<sup>15</sup>.

Белгилаб берилган вазифалар асосида 1956-58 йилларда Ўзбекистон бўйича 160 минг гектардан кўпроқ ер ўзлаштирилди, асрлар давомида қақшаб ётган дашту-биёбонларда миллионлаб гектар пахтазорлар ва боғлар вужудга келтирилди. Бироқ, 1960 йиллардан эътиборан Орол денгизи сатҳининг мунтазам қисқариб бориши экологик муаммоларни кучайтирди. Бу муаммоларнинг олдини олиш учун Ш.Рашидов Сибирь дарёлари сувларининг бир қисмини Орол денгизига буриш масалаларини қайта кўтарди. Бу масала Н. Хрушчев даврида, 1961 йил октябрь ойида КПСС XXII съездида ҳам қўйилган эди. Мазкур форумда қабул қилинган КПСС Программасида: “Совет халқи баъзи шимолий дарёлар оқимини ўзгартириш учун кучли гидро-ресурслардан фойдаланиб, уларнинг сувларини тартибга солиши ва қўриқ ерларни суғориш учун журъатли режалар тузиши мумкин,”<sup>16</sup> дея таъкидланган эди. Бироқ Хрушчевнинг ишдан олиниши билан бу лойиҳа ҳам четга суриб қўйилди. Ўша даврдаги Марказий ҳукумат раҳбарларининг бу масалаларни мунтазам пайсалга солишлари оқибатида умидлар ушалмай қолди.

1966 йил 27 апрелда Ш.Рашидов ҳамроҳлигида КПСС МК бош секретари Л.И.Брежнев ва СССР Министрлар Советининг Раиси

<sup>13</sup> Ўз РМА.314- фонд, 1- рўйхат,415- йиғма жилд, 10- варақ.

<sup>14</sup> Бўриев С. XX асрда Сурхон-Шеробод воҳасининг суғорилиш тарихи. Тарих. фан. ном. дисс... – Тошкент, 2008. – 77 б.

<sup>15</sup> Хрушчев Н.С. Қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш учун резервлардан тўлароқ фойдаланайлик // КПСС МК 1959 йил Декабр пленумида сўзлаган нутқи, – Тошкент, 1960. – 37 б.

<sup>16</sup> Алимардонов Т. Шароф Рашидов ҳаёти ва фаолияти тарих кўзгусида. – Тошкент: Доно нашриёти, 2017. – 77 б.

А.Н.Косигинлар Мирзачўлга келишиб, бу ердаги ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаёт ва вужудга келаётган экологик муаммолар билан танишдилар<sup>17</sup>. Брежнев Орол денгизи бўйича қўйилган долзарб муаммоларни ҳал қилишни ўз зиммасидан соқит қилиб, олимларнинг диққатини тобора кучайиб бораётган экологик масалаларга қаратди: “Сўнгги вақтларда атроф муҳит ва аҳолини муҳофаза қилиш муаммосининг кескинлашиши масаласи совет олимларининг диққат марказидан четда қолмаслиги керак”<sup>18</sup>.

Собиқ иттифоқ даврида маъмурий-бўйруқбозлик тизимининг кучайиши оқибатида бошқарувнинг издан чиққан тизимларини тартибга солиш мақсадида амалга оширилган ислохотлар кутилган натижаларни бермади. “Аксинча, сўнгги ўн йиллар мобайнида сохта обрў орттириш мақсадида қабул қилинган ва мавжуд имкониятларни ҳисобга олмаган ижтимоий, озиқ-овқат, аграр, энергетика, экология ва бошқа соҳалардаги кўпгина дастурлар иқтисодий қарама-қаршилиқларни чуқурлаштириб юборди. Натижада иқтисодиётни батамом издан чиқариб, моддий ва молиявий маблағлар тақчиллигининг даҳшатли тарзда ўсишига, ташқи қарзнинг ортишига олиб келди”<sup>19</sup>.

**“Мирзачўлни ўзлаштириш мақсадида аҳолини кўчириш ҳаракатлари”** деб номланган II бобда Иккинчи жаҳон урушидан кейин Мирзачўлнинг кўриқ ва бўз ерларини ўзлаштириш учун бошқа вилоятлардан аҳолини кўчириш ҳаракати жараёнлари ёритилган.

СССР Халқ Комиссарлари Совети 1946 йил 2 февралда қабул қилган “Ўзбекистон ССРда пахтачиликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги махсус қарорида Ўзбекистонда 4- беш йилликда пахта етиштиришни 2,5 баравар кўпайтириш вазифаси қўйилди. Мазкур қарор асосида янги ўзлаштирилган ерларга, шу жумладан Мирзачўлга аҳолини кўчириш ҳаракати янада тезлаштирилди<sup>20</sup>.

Қарорни бажариш бўйича ишлаб чиқилган режада вилоят ва туман комиссияларига аҳоли зич яшайдиган ҳудудларни белгилаш ва улардан янги ўзлаштирилаётган ерларга аҳолини кўчириш белгилаб берилди. Белгиланган режа асосида янги ташкил этилаётган совхозларга 1947 йилда 1863 та колхозчи оиласи билан, 1950-1952 йиллар мобойнида эса 3986 оила кўчириб келтирилди<sup>21</sup>. Мирзачўлга асосан Фарғона водийси, Самарқанд ва Жиззах вилоятларининг тоғли ҳудудларида яшаб, доимий иш билан банд бўлмаган аҳолининг бир қисми кўчирилди.

Собиқ иттифоқ ҳукумати қўйилган вазифаларни бажариш учун моддий таъминот масаласига эътиборини кучайтирди. СССР Министрлар Советининг 1949 йил 19 мартдаги 1130- сонли фармойишига мувофиқ,

<sup>17</sup> Сирдарё область Оқ олтин тумани Андижон совхозининг тарихи. – Тошкент, 1972. – 20 б.

<sup>18</sup> Брежнев Л.И. Отчетный доклад Генерального секретаря ЦК КПСС на XXV съезде КПСС. – М., 1976. – С. 73.

<sup>19</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 268 б.

<sup>20</sup> Ўз РМА.314- фонд, 1- рўйхат, 415- йиғма жилд, 10- варақ.

<sup>21</sup> Турсунов С. Қишлоқ аҳолисини уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш муаммолари. – Тошкент, 1994. – 13 б.

ЎзССРда кўчириш ҳаракатини амалга ошириш учун 35 миллион сўм кредит ажратиш ҳақида кўрсатма берилди. СССР Министрлар Советининг 1949 йил 8 майдаги 6967- сонли буйруғига кўра, Ўзбекистонда кўчириш ва уни амалга ошириш тадбирлари учун кўшимча яна 15 миллион сўм кредит ажратилди<sup>22</sup>. Бу рақамлар аҳолини кўчириш масаласига иттифоқ миқёсида алоҳида аҳамият берилганлигини кўрсатади.

Кўрилган тадбирлар натижасида 1949 – 53 йилларда ўрта ҳисобда 300 млрд. сўмлик, 1954 – 58 йилларда эса 400 млрд. сўмдан кўпроқ қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрланди<sup>23</sup>. Янги ерларга кўчиб келганларнинг меҳнати туфайли қилинган кўплаб харажатлари қопланибгина қолмасдан, балки давлатга 18 млрд. сўм соф даромад келтирилди<sup>24</sup>. Шунини ҳам таъкидлаш жоизки, аҳоли кўчиб келган баъзи хўжаликларда ижтимоий-иқтисодий аҳвол талаб даражасида бўлмади. Жумладан, озиқ-овқат, кийим-кечак билан барқарор таъминланиб борилмади. Шунинг учун ҳам бу ерларга кўчиб келган 2700 оила яна ўз юртларига қайтиб кетди<sup>25</sup>. Аҳолининг кундалик маҳсулотларга бўлган эҳтиёжлари ўз вақтида қондирилмаслиги, таъминот тизимида бўлиб турган сурункали узилишлар аҳоли ўртасида келажакка умидсизликни кучайтирди.

Шунга қарамадан, 1956 – 1969 йилларда Мирзачўл минтақасига доимий яшаш учун 42 минг оила кўчиб келган эди. Бироқ, 1969 йилга келиб, уларнинг атиги 25 мингтасигина шу ерда муқим яшаб қолди, холос. 17 минг оила ёки барча кўчиб келганларнинг 40,5 % ўзларининг азалдан истиқомат қилган жойларига кўчиб кетишга мажбур бўлдилар. Қисқача қилиб айтганда, уларнинг Мирзачўлда муқим қолиш коэффиценти 0,59 %ни ташкил этди<sup>26</sup>.

Мирзачўлда аҳоли кўнимсизлигининг сабабларидан яна бири майда қишлоқлар (кўрғончалар, хуторлар)нинг тугатилиши ва улар ўрнида посёлкалар ташкил этилиши кўзда тутилган сиёсатнинг амалга оширилиши бўлди. 1969 йил 11 февралда Ўзбекистон ҳукуматининг 73- сонли қарори билан икки йил муддат ичида кўрғончалар қуришни таъқиқлаш тўғрисида фармойиш чиқарилди<sup>27</sup>. Мирзачўлда аҳолини уй-жойлар билан таъминлаш масаласи ҳал қилинмаган бир пайтда бундай қарор қабул қилиниши аҳолининг азалий удумлари, турмуш тарзининг кескин ўзгаришига, уларнинг ердан узилиб қолишларига олиб келар эди.

Мирзачўлда ташкил топаётган янги хўжаликларни ишчи кучи ва мутахассислар билан таъминлашга доир тарғибот ишлари мунтазам кучайтириб борилди. Натижада Сирдарё вилояти аҳолисининг ўсиши даражаси 1959 йили 527 минг киши (шундан шаҳар аҳолиси 114 минг киши, қишлоқ аҳолиси 413 минг киши)ни ёки 21 % ни ташкил этган бўлса, 1970

<sup>22</sup> Ўз МДА 837- фонд, 33- рўйхат, 5753- йиғма жилд, 38- varaқ.

<sup>23</sup> Қориев М. Ишчи ва деҳқонлар иттифоқи – совет давлати кудратининг асоси. Юридик фан. номзоди. дисс. – Тошкент, 1960. – 88 б.

<sup>24</sup> Раззоқов А. Ўзбекистон пахтачилиги тарихи. – Тошкент, 1994. – 215 б.

<sup>25</sup> ЎзР МДА, 95- фонд, 2- рўйхат, 2606- иш, 7-8- varaқлар.

<sup>26</sup> Эгамбердиев А. Воспроизводство трудовых ресурсов сельской местности Узбекистана. – Ташкент, 1972. – 199 с.

<sup>27</sup> ЎзР МДА 837- фонд, 41- рўй, 1422- иш, 155- бет.



йили 575461 киши (шундан шаҳар аҳолиси 132161 киши, қишлоқ аҳолиси 443000 киши) ни ёки 23 %ни ташкил этган. 1979 йили эса 447,9 минг киши (шундан шаҳар аҳолиси 140,6 минг киши, қишлоқ аҳолиси 370,3 минг киши) дан иборат бўлган.

1973 йили Жиззах вилояти ташкил этилиб, Мирзачўлнинг катта қисми шу вилоят ҳудудига ўтиши ҳисобига Сирдарё вилоятининг ҳудуди ва аҳолиси камайди. 1979 йилги аҳоли рўйхатига кўра, Жиззах вилояти аҳолиси 510,7 минг киши (шундан шаҳар аҳолиси 139,8 минг киши, қишлоқ аҳолиси 370,9 минг киши) ни ташкил қилган<sup>28</sup>.

Мирзачўлга аҳолини кўчириш, уларни иш билан таъминлашга эътиборнинг кучайтирилиши натижасида 9- беш йилликда бу ерларда ўзлаштирилган янги ерлар 300 минг гектардан ошиб, 30 дан ортиқ пахтачилик совхозлари ташкил этилди. Мирзачўл ҳудудларида уларнинг сони 49 тага етди. Шунингдек, Мирзачўлда Сирдарё, Ширин, Гулистон, Янгиер, Пахтакор, Дўстлик, Гагарин сингари шаҳарлар, 10 тага яқин пахтачиликка ихтисослашган районлар, ўнлаб шаҳар типигаги посёлкалар, 30 дан ортиқ саноат корхоналари бунёд этилди<sup>29</sup>.

Янги ерларнинг ўзлаштирилиши кадрлар танқислигига барҳам беришга доир зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқишни талаб қилди. Республика ҳукумати 1966 йил 22 январда “Қишлоқ хўжалиги ходимларини тайёрлаш ва малакасини ошириш тўғрисида” қабул қилган қарори асосида 1966 йилда Мирзачўл зонаси учун 2135 та оммавий касб мутахассисларини тайёрлаш вазифаси қўйилди. Шу асосда фақат совхозлар учун 1000 та механизатор, пахта териш учун 800 та механик-ҳайдовчи, 100 та комбайнчи ва бошқа мутахассислар тайёрлаш белгиланди. Бундан ташқари кадрлар тақчиллигига барҳам бериш мақсадида Мирзачўлга Наманган вилоятидан 250 та оила кўчирилган бўлиб, бу оилалардаги 500 та ишчидан 250 таси механизаторлик касбига эга эди<sup>30</sup>. Улардан ташқари мавсумий ишларга жалб қилинган.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, илгари мураккаб техника воситалари билан таниш бўлмаган кишилардан малакали мутахассислар тайёрлаш, белгиланган вазифаларни талаб даражасида бажариш учун кўп вақт керак эди. Бинобарин, кадрлар етишмаслиги мавжуд техника воситаларидан талаб даражасида фойдаланиш имконини бермади. Техника воситалари туриб қолиши оқибатида Бошмирзачўлқурилиш бошқармаси ва Сирдарё вилояти давлат хўжаликлари трести бўйича 1966 йилда бир центнер пахтанинг таннархи 38,1 сўмни ташкил қилган бўлса, 1969 йилга келиб бу рақам 48,8 сўмга етди. 1966 йили бир гектар ердан олинган ҳосил 21,7 центнерни ташкил қилган бўлса, 1968 йилга келиб 15,4 центнерга, ҳар бир тракторнинг ишлаш даражаси 1966 йилда 274 кунни ташкил қилган бўлса, 1969 йилга келиб бу кўрсаткич 227 кунга тушиб қолди<sup>31</sup>.

<sup>28</sup> Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. – Ташкент: Янги аср авлоди, 2011. – 216-218 с.

<sup>29</sup> Ахмедов Н., Мамасолиев Л. Пахтачилик: тажриба ва муаммолар. – Тошкент: Меҳнат, 1990. – 28.

<sup>30</sup> ЎзР МДА, Р-837-фонд, 41-рўйхат, 360-иш, 243-варақ.

<sup>31</sup> Джаббаров Н. Вопросы орошения и развития поливного земледелия. – Ташкент, 1973. –78-106 с..

Мирзачўлни ўзлаштириш жараёнида аҳолини кўчириш учун бу ҳудудга яқин бўлган тоғли районлар танланганлиги ҳам нисбатан яхши самара берди. Масалан, асосан Зомин ва Фориш туманларидан кўчириб келинган аҳоли ҳисобига 1960-1972 йилларнинг бошларида Оқ олтин туманида – 16,4 минг, Дўстликда – 11,2 минг, Ильячда – 24,1 минг, Мирзачўлда – 15,7 минг, Пахтакорда – 26,4 минг, Янгиерда – 32,4 минг аҳоли истиқомат қилди. Мазкур 6 та туманда янги кўчиб келганлар ҳисобига ишчи кучларининг кўпайиши туфайли етиштирилган пахта 200 минг тоннадан ошди<sup>32</sup>. Бу янги хўжаликларда меҳнат унумдорлигининг ошишига самарали таъсир кўрсатди.

**“Мирзачўл воҳасига кўчирилган аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти”** деб номланган III бобда Мирзачўлга кўчирилган аҳолининг ижтимоий аҳоли ва маданий турмуш шароитини яхшилашга қаратилган тадбирлар, йўл қўйилган камчиликлар оқибатида аҳоли бошидан кечирган қийинчиликлар таҳлил қилинган.

Янги ўзлаштирилган ерларнинг иқтисодий самарадорлиги кўп жиҳатдан янги кўчиб келган оилаларнинг ижтимоий таъминотига ҳам боғлиқ эди. Урушдан кейинги йилларда бинокорлик материаллари ва малакали қурувчиларнинг етишмаслиги оқибатида уй-жой қурилиши талаб даражасида бўлмади. Ҳисоботларга кўра, “1946 – 1947 йилларда совхозлар секторида уй-жойлар қуриш режаси атиги 38 % бажарилган<sup>33</sup>. 1947 йили совхозлар ишчилари уй-жой билан бор-йўғи 43 % таъминланган”<sup>34</sup>. Мавжуд уй-жойларнинг ҳам ярми яроқсиз ҳолга келиб қолган. Давлатдан бирор нарса талаб қилиб олишга ўрганмаган маҳаллий аҳоли имкониятига қараб, ўзлари учун шароит яратишга ҳаракат қилган. Кўпгина совхозларнинг ишчилари уй-жой етишмаслиги сабабли ертўлалар ёки чайлаларда яшаган.

Ҳукумат мавжуд камчиликларни бартараф этиш учун зарур чора-тадбирларни кўришга мажбур бўлди. 1946 йилда СССР Молия халқ комиссарлиги Ўзбекистон совхозларининг ишчиларига яқка тартибда уй қуриш учун 100 минг сўм пул ажратди, Давлат план комиссияси 14 минг сўмлик бинокорлик материаллари беришга қарор қилди. Натижада янги ташкил топган совхозларда 1947 йил бошларида 737 та уй-жой қурилди, 70 минг сўмлик маданий-маиший бинолар барпо этилди<sup>35</sup>. Шундай йўллар билан янги совхозларга ишчи кучларини жалб қилина бошланди. 1953 йилга келиб, республиканинг пахтачилик совхозларида 166 минг квадрат метр, яъни 395 та уй-жой бунёд этилди. 1952-1954 йиллар мабойнида икки хонадан иборат бўлган 2139 та уйлар қурилиб, ишга туширилди<sup>36</sup>. Мирзачўлни ўзлаштириш дастури асосида 4- беш йиллик охирида совхозларда уй-жой қурилиши жонланди.

<sup>32</sup> Усманов К. Социально-экономические последствия комплексного освоения целинных земель. – Ташкент, 1975. – 87 с.

<sup>33</sup> ЎзР МДА, 1619- фонд, 1- рўйхат, 366- иш, 22- варақ.

<sup>34</sup> ЎзР МДА, 837- фонд, 32- рўйхат, 7049- иш, 4- варақ.

<sup>35</sup> ЎзР МДА, 837- фонд, 32- рўйхат, 7049- иш, 10- варақ.

<sup>36</sup> ЎзР МДА 1610- фонд, 1- рўйхат, 345- иш, 188- варақ.

